

**АЛИДЖАНОВА Лазизахон Аббасовна**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий  
ўрганиш UNESCO кафедраси ўқитувчиси

## ЎЗБЕКИСТОНДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

### ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СВОБОДЫ СОВЕСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

### LEGAL FOUNDATIONS FOR ENSURING FREEDOM OF CONSCIENCE IN UZBEKISTAN

**Аннотация.** Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётган бир шароитда турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Ўзбек халқининг илғор маданияти ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш, бу ҳудуддаги илк замондан ҳозиргача мавжуд динлар тарихи, ҳаётий тажрибаси, тадрижий тараққиётини ўрганиш ватан тарихини чуқурроқ тушуниб етиш, уни севиш ва у билан фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади. Дин ва қонун ўзаро муносабатларини билиш республикада демократик ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** Виждон эркинлиги, диний ташиқлот, миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва дин муносабатлари, қонунчилик, конфессия, диний ташиқлот, диний жамият, бағрикенглик, дин, конфессия, эътиқод, диний ўқув юртлари, диний плюрализм, диний бағрикенглик, динлараро мулоқот.

**Аннотация.** В условиях интеграции Республики Узбекистан в мировое сообщество особо актуальным становится формирование культуры межконфессионального диалога на высоком уровне. Комплексное исследование и восстановление передового культурного и духовного наследия узбекского народа, его дальнейшее развитие в современных условиях, а также изучение исторической эволюции религиозных традиций, существовавших на данной территории с древнейших времен до наших дней, содействует

углубленному пониманию национальной истории, формирует патриотическое сознание и гордость за Родину. Анализ взаимодействия религии и права является важным фактором укрепления основ построения демократического и правового государства в республике.

**Ключевые слова:** свобода совести, религиозные организации, национальные и международные правовые акты, государственно-конфессиональные отношения, законодательство, конфессия, религиозные объединения, толерантность, религия, вероисповедание, религиозные образовательные учреждения, религиозный плюрализм, религиозная терпимость, межрелигиозный диалог.

**Annotation.** In the context of Uzbekistan's integration into the global community, the formation of a highly developed culture of interconfessional dialogue acquires particular significance. A comprehensive study, revival, and further advancement of the progressive cultural and spiritual heritage of the Uzbek people under contemporary conditions, along with an in-depth analysis of the historical evolution of religious traditions existing in this region from ancient times to the present, facilitate a deeper comprehension of national history, fostering patriotic consciousness and pride in one's homeland. Investigating the relationship between religion and law significantly contributes to strengthening the foundations of a democratic, rule-of-law state in the republic.

**Keywords:** freedom of conscience, religious organizations, national and international legal instruments, state-confessional relations, legislation, confession, religious communities, tolerance, religion, faith, religious educational institutions, religious pluralism, religious tolerance, interreligious dialogue.

## КИРИШ

Ўзбекистон кўп асрлик тарихи давомида турли дин ва маданиятларнинг марказий нуктаси бўлиб келган [6]. Бу ерда III-IV асрларда яхудийлик ва буддавийлик, VII асрдан бошлаб ислом, XIX асрдан христианлик кенг тарқалиб [7], кўп миллатли халқлар ўзаро тинч-тотув ҳамда бағрикенглик анъанасида яшаб келмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 1 сентябрь куни мустақилликка эришгач, диний бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим устувор вазифаларидан бирига айланди. Бу жараён мамлакатнинг қонунчилик базасида мустаҳкам ўрин эгаллаб, кейинги йилларда янги ислохотлар билан бойитилди.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Давлат ва жамиятнинг барқарорлиги, босқичма-босқич ривожланишининг муҳим омили индивидларнинг маънавий-ахлоқий кадриятларининг мавжудлиги ҳисобланади. Ушбу ҳислатларнинг шаклланишида динларнинг дунёқарашни шакллантирувчи, регулятив, тарбиявий ва бирлаштирувчи функциялари муҳим роль ўйнайди.

Айни вақтда, конфессиялар томонидан муайян давлатдаги ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўз салоҳиятини тўлақонли ишлатиш имкониятлари уларнинг мавжуд бўлиш шароитлари, ижтимоий-сиёсий вазият, сиёсий элитанинг диний масалага муносабати, конфессиялар ичида кечаётган жараёнлар ва динлараро муносабатларнинг ҳолати билан белгиланади. Шу сабабли ушбу муаммолар мажмуаси илмий жамоатчиликнинг эътиборида бўлиб келади.

Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишларида диний ташкилотларнинг ўрни муҳим. Давлат билан дин ўртасидаги муносабатларда субъект сифатида бир томондан эътиқод қилувчилар, яъни фуқаролар, иккинчи томондан давлат ва учинчи томондан диний ташкилотлар қатнашади. Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат, шунингдек диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлишига қарамай, уларни жамиятдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Дин билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи фуқаролар ва давлатнинг ўрни ва аҳамияти бирмунча ойдин бўлса-да, диний ташкилотлар ҳақида, уларнинг мақоми ва вазифалари, фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиш виждон эркинлиги соҳасидаги билим ва кўникмаларнинг янада ортишига хизмат қилади.

Мустақиллик йиллари диннинг ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятида тутадиган ўрни ва мавқеи аниқ белгиланиб, бу соҳада мустаҳкам қонунчилик пойдевори яратилди [3]. Конституциянинг 2023 йил 30 апрелдаги референдумда қабул қилинган янги таҳририда диний бағрикенглик ва виждон эркинлигига оид муҳим ўзгаришлар амалга оширилди [1]. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 75-моддасига кўра, “диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар”, деган демократик тамойил мустаҳкамлаб қўйилди. Фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканликлари кафолатланди. Ушбу моддадаги ўзгаришлар аввалги таҳрирдан фарқли ўлароқ, давлатнинг дунёвийлик тамойилини янада мустаҳкамлашга ва диний ташкилотларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилди ҳамда Ўзбекистондаги 130 дан ортиқ миллат ва 16 та диний конфессия вакиллариининг ўзаро ҳамжиҳатлигини сақлашда муҳим қадам бўлди.

Давлат ва дин муносабатлари Ўзбекистон Республикасидаги демократик ҳуқуқий жамиятнинг асосини ташкил этади [5]. Ушбу конституциявий қоида 2021 йил 5 июль куни қабул қилинган янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Қонунда тарихий, маданий, ижтимоий омилларни ҳисобга олинган ҳолда давлат ва диний ташкилотлар орасидаги муносабатлар белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар ва давлат органларининг фаолияти ўзаро аралашмаслик асосида амалга оширилади. Давлат турли динларга эътиқод қиладиган ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ақидапарастлик ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди. Шунингдек, давлат конфессияларнинг тинч-тотув яшашига кафил бўлади. Миссионерлик ва прозелитизмни амалга оширишга йўл қўйилмайди. Давлат диний ташкилотлар зиммасига давлатнинг бирор-бир вазифаларини бажаришни юкламайди, уларнинг қонунчиликка зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини молиялаштирмайди ва динга эътиқод қилувчиларнинг дин билан боғлиқ

ҳис-туйғуларини ҳақоратлайдиган фаолиятга йўл қўймайди.

2021 йил 5 июлда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги ЎРҚ-699-сон қонун ушбу соҳани амалий тартибга солувчи асосий ҳужжат сифатида хизмат қилади. Қонуннинг 3-моддасида диний ташкилотларга таъриф берилган бўлиб, унга кўра, “фуқароларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, биргаликда динга эътиқод қилиш, ибодат қилиш, диний расм-русумлар ва маросимларни бажариш мақсадида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган кўнгилли бирлашмаси (маҳаллий диний ташкилот, диний таълим муассасаси ва диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи) диний ташкилотдир” [2].

Мамлакатимизда фаолият юритадиган барча диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунига ва амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан ташкил этилади ва фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунига асосан диний ташкилотлар фаолияти фуқароларнинг динга эътиқод қилиш, ибодат қилиш, диний расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этишларига кўмаклашишни мақсад қилади. Шунингдек, Қонуннинг 8-моддасида диний ташкилот “фуқароларнинг ўз диний эътиқодларини амалга ошириш мақсадида ихтиёрий равишда бирлашган нотижорат ташкилоти” деб таърифланади. Ушбу ташкилотлар Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтиши керак бўлиб, рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади. Қонунда диний ташкилотларнинг фаолияти қатъий тартибга солинади: улар сиёсий фаолият билан шуғулланиш, давлат ишларига аралашуш ёки миссионерлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланади.

Қонунчиликда диний ташкилотларнинг бир неча турлари эътироф этилади. Унга кўра, диний

жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқа ташкилотларга диний ташкилот мақоми берилади.

Диний ташкилот ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилиши учун, аввало, у қонуний асосларга эга бўлиши лозим. Республикамизда тузиладиган диний ташкилотлар устав(низоми) и Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, юридик шахс мақомига эга бўлиб, қонунчиликда белгиланган тартибда ўз фаолиятини олиб бориши мумкин.

2025 йил 25 февралда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси тўғрисида”ги Қонун эса бу соҳадаги давлат сиёсатининг узоқ муддатли режасини белгилаб берди. Концепциянинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1. Виждон эркинлигини қонун устуворлиги асосида таъминлаш ва фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилигини кафолатлаш;
2. Давлатнинг дунёвий характерда эканлигини сақлаш ва диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик;
3. Динлараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, бу орқали жамиятдаги барқарорликни таъминлаш;
4. Радикал ғоялар ва экстремизмга қарши курашуш, хусусан, ёшларни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш;
5. Диний ташкилотлар фаолиятини соддалаштириш, рўйхатдан ўтиш тартибини енгиллаштириш ва уларнинг ишини очиқ-ошкора қилиш.

Концепция БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Хусусан, Концепциянинг асосий ғоялари кенг жамоатчиликда муҳокама қилиниб, халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланди. Бу Ўзбекистоннинг диний бағрикенглик соҳасидаги тажрибасини жаҳон миқёсида мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Қонун бағрикенгликни янада ривожлантириш учун узоқ муддатли стратегияни белгилайди. Унда динлараро мулоқотни

кучайтириш, радикал ғояларга қарши курашиш ва таълимни ривожлантириш каби вазифалар қўйилган. Бу принцип мамлакатда виждон эркинлигини таъминлаш, диний плюрализм ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир [4]. Қонуннинг асосий мақсади Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсатининг узоқ муддатли стратегиясини тасдиқлашдан иборат. Ушбу концепция Ўзбекистоннинг дунёвий давлат сифатидаги мақомини сақлаш билан бирга, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигини кафолатлашга қаратилган.

Концепция қуйидаги асосий вазифаларни кўзда тутди:

1. Виждон эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари: фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик.

2. Динлараро тотувлик: Ўзбекистондаги 16 та диний конфессия вакиллари ўртасида мулоқот ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш.

3. Радикал ғояларга қарши кураш: жамоат тартиби, аҳоли саламатлиги ва ахлоқига таҳдид солувчи диний ғоялар тарқалишининг олдини олиш.

4. Диний ташкилотлар фаолияти: уларнинг қонунчилик доирасида очиқ-ошкора ишлашини таъминлаш ва рўйхатдан ўтиш тартибини соддалаштириш.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, диний-маърифий соҳадаги барча ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистонда виждон эркинлиги ва диний бағрикенгликни таъминлашда муҳим қадам бўлиб, дунёвий давлат сиёсатини мустаҳкамлаш билан бирга, фуқароларнинг диний эркинликларини кафолатлайди, шунингдек амалий ижроси учун ҳуқуқий асос яратиб, динлараро мулоқот ва жамият барқарорлигини кучайтиради.

Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ушбу тамойил асосида амалга оширилади. Чунки конституциявий дунёвий-маърифий

давлатда виждон эркинлиги қонуни диний эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, сиёсий хоҳишларини билдиришда барча фуқароларнинг тенг иштироки тамойилига риоя қилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (янги тахрир). Тошкент: Адолат, 2023. – 112 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси тўғрисида»ги Қонуни, ЎРҚ-699-сон, 2021 йил 5 июль. Тошкент: Адлия вазирлиги, 2021. [Электрон ресурс: <https://lex.uz>]
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 592 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2022. – 464 б.
5. Дин ва жамият: Илмий мақолалар тўплами. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти, 2015. – 280 б.
6. Аҳмаджонов Б. Ўзбекистон тарихи. Тошкент: Шарқ, 2001. – 288 б.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2002. – Жилдлар сони: 12.